



1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг газетаси

1 март, жума, 1996 йил Сوتулда эркин нархда. № 44 (1297)

ИСЛОҲОТЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШДА ҚАТЪИЯТЛИ БЎЛАЙЛИК



СУРАТЛАРДА: йиғилиш пайти.



А. Тураев олган суратлар.

29 февраль кунин Президент Ислам Каримов раислигида Вазирлар Маҳкамасининг мажлисида иштирокчиларнинг 1995 йилги якунлари ва иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш борасида жорий йилдаги вазифаларга бағишланган йиғилиши бўлди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси Жўрғи Кенгеси Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари, вазирликлар, қўмиталар, концернлар, корпорациялар, уюшмалар, илора ва ташкилотлар раҳбарлари, Олий Мажлис қўмиталари раислари иштирок этди.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар давлатнинг самараларини бера бошлади, — деди Президент

мажлиси очар экан. — Бу ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг оширишида, ишлаб чиқаришнинг пайсий суръатлари тўхтатиладиган, пулнинг қадрияти ошириш ларажаси пасайиб бораётганида намоян бўлмоқда. Шу маънода ўтган 1995 йил бурилиш йили бўлди дейишга ҳақимиз. Бу ҳақимизнинг йил буйи қилган фидокорона меҳнати самарасидир. Биз бу билан ҳар қанча фахрлансак арзийди.

Жорий йилда олдимизда бундан ҳам улкан вазифалар турибди. Уларни бажариш учун ўтган йил якунларидан керакли хулосалар чиқаришимиз, иш фаолиятимизнинг заиф нуқталарини аниқлашимиз ва уларни бартараф этиш йўллариини излаб топ-

моғимиз зарур. Хусусан, халқ ҳужалигида таркибий ўзгаришларни амалга ошириш муҳим масала бўлиб қолмоқда. Бу — ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг неча фоизига харидор бор, кераксиз маҳсулотлар ишлаб чиқариладими, корхона ва ҳўжаликлар кишиларга қандай манбалар ҳисобидан маош тўлайди — шу каби саволларга олдиндан жавоб топмоқ кераклидир. Шу ўринда айрим корхоналарда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми пасайгани ҳолда ишловчилар сони асосан сақланиб қолганини қандай изохлаш мумкин? Уларга нима ҳисобидан маош тўланяпти?

Ҳар бир тармоқ, бирлашма, корхона раҳбарининг фаолиятига у юқоридаги ка-

лиши керак. Чунки иш жойи бўлса, даромад ҳам бўлади, унинг эвазига мактаб ҳам, касалхона ҳам, спорт иншоотлари ҳам қурилади. Демокриманки, қишлоқ ҳўжалиги буйича аниқ сўбат ўтказилиши керак.

Маҳсулот ишлаб чиқарувчилар билан истеъмолчилар ўртасидаги шартнома муносабатларини такомиллаштириш ҳам муҳим вазифа бўлиб турибди. Бу ишни ҳўқуқни муҳофаза қилиш идоралари ўз назоратига олмоғи даркор. Бунда ишлаб чиқарувчиларнинг, деҳқонларнинг зарар қўрмаслигига эътибор бериш, уларнинг манфаатини қонун йўли билан ҳўмоа қилиш одат тусига кириши зарур.

Кейинги йилларда юртимизда бир қанча ободлаштириш ишлари амалга оширилди. Жумладан, Тошкент шаҳрида, вилоят марказларида, шаҳар ва қишлоқларда юзлаб салобатли, қўркам бозорлар қурилди. Бу ҳўаммазнин қўронтлари, албатта, деди Президент. Лекин давлат маблағи, халқимиз меҳнати эвазига қурилган бозорлар қишлоқнинг қўлига бериб қўйилмоқда? Уларда ҳўзир қим ҳўқорон? Маҳсулот етиштирган деҳқоннинг ёки олибсотарларнинг? Бу масалаларни ҳам ҳўқимлик ва ҳўқуқ идоралари ҳўл этиши керак.

Хуллас, айтмоқчиманки, ҳар қим ўз жойида зиммасидаги масъулиятни ҳўл этган ҳўлда қатъият билан ишлаши, юқоридан буйруқ ёки қўрсатма қўлиб ўтирмаслиги зарур. Яқинда россиялик журналистлар билан учрашувда таъкидлангандек, ривожланган мамлакатларда шундай система қарор топганки, иқтисодий тармоқлар мустақил равишда ишлаверадил. Уларни бирор туртиб

туриши шарт эмас. Биз ҳам ана шундай структура яратишимиз керак. Токи, иқтисодиётни қонун ва қарорлар бошқарсин. Зеро, республикада бу борал зарур қонунлар қабул қилинган. Улар бизнинг юғуримиз. Татбир жоиз бўлса, бойлигимиздир.

Ватанимизнинг гуллаб яшнаши учун, халқимизнинг фаровон турмуш кечириши учун ҳар биримиз дилимизга мана шу Ватан туйғусини жо қилиб, ўзимизни унга солиқ фарзанд, деб билиб, элим деб, юртим деб ёниб яшашимиз керак, деди Президент пировардида. Ана шундагина биз қўзлаган мақсадларга эришамиз. Ватанимизнинг порлоқ келажакини бунёд этиш ишига ҳўсса қўшган бўламиз.

Мажлисида республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков, Бош вазир ўринбосарлари — «Ўзистқоблет» давлат қўмитаси раиси Ҳ. Исмоилов, молия вазири Б. Ҳамидов, давлат мулкисни бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш қўмитаси раиси В. Ҳўен, шунингдек, Марказий банк бошқарувиининг раиси Ф. Муллажонов, ташқи иқтисодий алоқалар вазирининг биринчи ўринбосари Э. Ганиев ва бошқалар сўзга чиқди.

Президент Ислам Каримов мажлисида нў сўзлади. Муҳўокама этилган масала юзасидан қарор қабул қилинди.

Мажлисида республика Олий Мажлиси Раиси Э. Халилов, Бош вазир Ҳ. Султонов, Президентнинг Давлат маслаҳатчиларини, Олий Мажлис Раисининг ўринбосарлари, Бош вазир ўринбосарлари қатнашди.

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИДА 1995 ЙИЛ ЯКУНЛАРИ ҲАМДА ЖОРИЙ ЙИЛДАГИ ВАЗИФАЛАРГА БАҒИШЛАНГАН МАЖЛИСДАГИ НУТҚИ

Хурматли дўстлар! Аввало йил натижаларини таъбирлаш ҳамда муҳўокама қилиш жараёни ва тартиб ҳўқда айтиб ўтмоқчиман.

Ўзи, якун ясагининг асл моҳияти ва мақсади нимадан иборат бўлиши лозим?

Биринчидан, содир бўлаётган воқеаларнинг моҳиятини тереин аниглаб етишимиз, ўтган давр мубайида қилинган ишларимизга таъкидий баҳо беришимиз керак. Нима ҳисобидан ва қайси омиллар эвазига қандай натижаларга эришганимизни, жоибий сўзлашимизни янада мустаҳкамлаш учун нима ишлар қилишимиз зарурлигини аниқлаб олишимиз даркор.

Асосий масала қўйилган у ёки бу вазифанинг нима учун охирига етказилганини сабабларини излаб топилди. Нега айрим вилоятларда, иқтисодиётнинг муайян соҳа ва бўлипларида оқсашга йўл қўйилди, бунинг сабаблари нима?

Иккинчидан, аниқланган сабаб ва омиллар асосида иқтисодиётни халққалари бир-биринга чамбарчас боғланган ягона замири деб билиб, унинг замирига қўлланган муайян тўзимга, бўлима ва бўлипларини қўрсатиб бериш керак бўлади.

Ишнинг оилай олмаётган ёки ялғича ишланган ҳўаммазнинг раҳбарларини — меннинг бундай дейишга тўла асосим бор — аниқлаш керак. Бир сўз билан айтганда, иқтисодиётнинг ислохотлари оқсашга йўл қўйилган ҳўққидий айбдорини топшиш вақти етди. Лекин таъкид аниқ ва асосли бўлиши лозим.

Иқтисодиётнинг ягона тирик жонга қўйилган мумкин. Кўп жойларда ўз мансабига юлейин раҳбарлар касофатидан бир-биринга ишларининг барбод бўлиши, муттасил оқсаш бутун бошли ислохотлар механизмининг бир жойда депсиниб қўлишига олиб келиши мўқаррар.

Учинчидан, якун ясадан бош мақсад — таъкидий таҳлил ва тегишли хулосалар чиқариш асосида амалдаги ислохотлар йўлига зарур тузатишлар киритишдир.

Муҳим, ҳўятнинг ўзи талаб қилаётганидек, қонунчилик ва меърий ҳўжатларга қандай тузатишлар киритишни, қайси масалалар буйича янги, қўшимча президент фармонлари ва ҳўқуқ қўронтларини қабул қилиш, бошқарув тизими ҳамда амалдаги ҳўжалик юртиш механизмининг қай йўсинда ўзгариширини аниқлаб олишдир.

Ислохотларнинг дастурий йўлига тузатишлар киритмай, шўзилан қарорлар қабул қилмай туриб, улуқсиз ва изчил ола сўзлашимизни, шўнинг баробарида ислохотларимизнинг ортага қайтмаслигини таъминлаб бўламиз.

Асосий мақсадимиз фақат якун ясаи — сарҳисоб қилиш эмас, аксинча, муаммо ва заиф жойларини рўй-рост очиб ташлаш, улар юзасидан чора-тадбирларни амалга ошириш ва яна бир муҳим мақсад — ислохотларини ўзига керакли тузатишлар киритишдир, уларни бундан буйи чуқурлаштириш учун ҳўққий замин ҳўзрлашдир.

Хурматли мажлис иштирокчилари!

Сизларга тарқатилган ҳўжатлар ва қилинган маърузаларда 1995 йил иқтисодий ва ижтимоий якунларининг қўрсаткичлари эътиборингизга етказилди.

Шўнинг учун ҳам улар тўғрисида батафсил тақоран та-

пиришга ҳўжат йўқдир, деб ўйлайман.

Ислохотларнинг ўтган йилги асосий натижалари ҳўқда таъбир эканимиз, биринчи ва асосий хулоса шўки, 1995 йил кўп жаҳатдан жамиятимизни, иқтисодиётимизни, қолаверса, ҳўятимизнинг барча соҳаларини ислох қилишга тўб бурилиш йили бўлди.

Йил якунлари биз ишлаб чиққан йўналиш, иқтисодий ислохотларнинг устувор жаҳатлари тўғрисида таъкидланди ва ўз самараларини бера бошлади. Шўларнинг натижасида ва таъбирини Ҳўбекистон иқтисодида ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш пасайиши сурати амалда тўхтатилади.

1995 йилда биринчи марта асосий тармоқлар ва соҳалар буйича ўсиш суръатларига эришилди.

Ички ялпи маҳсулот 1995 йилда 1994 йил даражасига нисбатан 96 фоиз бўлди деб мўлжал қилинган эди, аслида эса 98,8 фоизини ёки 300 миллиард сўмни ташкил этди.

Ишлаб чиқаришнинг илдий даромади 98,5 фоизга етди. Давлат бюджетига қамомати 3,5 фоиз этиб белгиланган эди, амалда эса 3,0 фоиздан ошмади.

Саноят ишлаб чиқариш ҳажми 1994 йилга нисбатан 100,2 фоизга тенг бўлди.

Асосий тармоқларини ривожлантириш буйича, халқимиз олдида очик юз билан ҳисобот беришимиз мумкинки, **ёқилиш-энергетика соҳасида натижалар 100,7 фоиз, машинасозликда**

124,6 фоизга чиқди. «Ўзвотсаноат» уюшмасининг йиллик қўрсаткичлари 250 фоиз, «Ўзлансаноат» уюшмасида 134,3 фоиз, кимё соноатида 113,0 фоиз, металлургия соноатида 111,5 фоизга кўтарилди.

Истеъмол моллари ишлаб чиқариш 1,5 фоиз ўсди.

1995 йилда қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари 1994 йилга нисбатан 2,3 фоиз кўпроқ етиштирилди. Деҳқончиликдаги ўсиш эса 5,6 фоиз бўлди.

Мустақиллигимизнинг беш йиллик тарихида биринчи марта барча манбалар ҳисобидан ислохотга қўйилган сармоа — капитал маблағлар ўсиши 102 фоизни ташкил қилди.

Алиқ дўстлар, Ҳўбекистонимиз эришган яқин натижаларини янада яққорроқ тасаввур этиш учун ўз юртимизни яқин қўшнилариимиз билан таққослаб қўрайлик.

Барча тармоқ ва соҳаларини ўз тарихига олдиндан ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми Ҳўмўдетлик мамлакатларини билан солиштирилганда 1990 йилга нисбатан 1995 йил қўрсаткичлари қўйилган:

Ўзбекистон — 81,1 фоиз
Россия — 62,2 фоиз
Беларусь — 60,5 фоиз
Қирғизистон — 50,3 фоиз
Қўзғистон — 45,4 фоиз
Украина — 44,4 фоиз

Қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш буйича ахвол 1995 йилда 1990 йилга нисбатан қўйилган:

Ўзбекистон — 89 фоиз
Беларусь — 73 фоиз
Россия — 67 фоиз

Украина — 61 фоиз
Қирғизистон — 57 фоиз
Қўзғистон — 54 фоиз

1995 йилда саноят ишлаб чиқариш ҳажми 1990 йил натижаларига нисбатан — Қирғизистонда 35 фоизни, Қўзғистонда — 48, Россияда — 50, Украинада — 53, Беларусда — 61 фоизни ташкил этган бўлса, **Ўзбекистонда бу қўрсаткич 99,9 фоизга тенг бўлди.**

Бу рақамга алоҳида эътиборингизни жалб этмоқчиман.

Яъни, биз амалда ҳўл иттифоқ пароканда бўлмаган саноят бир маромада ишланган давралги таракқийёт даражасини қўлга киритдик.

Бу қўрсаткичларини биз ўзимиз чиқарганимиз йўқ. Бу қўрсаткичлар Ҳўмўдетлик мамлакатларини давлатлараро статистика комитетининг 1995 йил якунлари бағишланган расмий ҳўжатларидан олindi.

Ўзбекистон эришган натижаларини Ҳўмўдетлик мамлакатларини билан қўйилган, таққослаш ҳўлда, бир нарсани очик айтиш мумкинки, бу қўрсаткичлар Ҳўбекистон таълаган йўл тўғрисида, Ҳўбекистон модели тарих имтиҳонидан муваффақиятли ўтаганини амалда таъкидлайди. Бу қўрсаткичлар барча ислохотларимиз пойдеворидан турган асосий тамойилларимизнинг тўғриси эканлиги исботлайди.

Йил давомида ишчиларнинг ўртача иш ҳўқи миқдори 3,7 марта, пенсиялар миқдори 3,6, стипендиялар миқдори эса 5,1 марта ортди.

Йил давомида ишчиларнинг ўртача иш ҳўқи миқдори 3,7 марта, пенсиялар миқдори 3,6, стипендиялар миқдори эса 5,1 марта ортди.

Ўтган йили 500 миңга яқин

айланмасининг 91 фоизи унинг ҳиссасига тўғри келди.

Ва, ниҳоят, Ҳўбекистоннинг халқаро иқтисодий алоқаларини кўп сайин кенгайиб бормоқда. Мамлакатимизнинг тўловларга қўйиб ишончли ҳамкор сифатидаги халқаро оубраси тобора ошмоқда. 1995 йилда ташқи савдо оборотида 216 миллион доллларлик иқобий салбога эришилди. Ташқи савдо обороти тарихий сезиларли даражада ўзгарди — ўтган йилги иқтисодий жаҳатдан таракқий этган коржий мамлакатлар ҳиссасига жами оборотнинг 57 фоизини тўғри келган бўлса, бу қўрсаткич 1994 йилда 42 фоизни ташкил этган эди.

Бутунги мажлис маърузачилари ва бошқа сўзга чиққан кишилар 1995 йили якунлари, ўз соҳаларида йўл қўйилган камчилик ва нуқсонлар тўғрисида таъбирлар.

Ишмида мўлқуд бўлган ҳўтолар ва оқсодлар қандай таъбирларга, аввало, уларнинг сабаблари ва илдиларини, уларнинг меъзорларини очиб беришимиз, ўзимиз учун аниқлаб олишимиз даркор.

Ҳўи, бутун бизни нима қўпроқ таъбирларимизда? Ислохотларини янада чуқурлаштириш учун яна қандай чора-тадбирлар қўришимиз керак?

Мени, аввало, ҳўжалик юртиш механизмининг қандай шаклланиётгани қўзғитиради. У қорхоналарнинг иқтисодий эриклиги ва мустақиллиги учун қандай қўлайлик туғдирилмоқда?

Ташаббус ва тадбиркорликни қай даражада рағбатлантириш керак, қорхоналар ва улар раҳбарларининг иқтисодий масъулият мезони қай аҳволда?

Энг муҳими, бутун таркиб топаётган ҳўжалик механизми бозор қўнунлари ва шароитларига қанчалик тўғри келди

(Давоми 2-бетда).

Тасвирий санъат

АЛЬБРЕХТ ДЮРЕР АСАРЛАРИ ТОШКЕНТДА



Давлат санъат музейида улуғ немис rassоми Альбрехт Дюрер асарлари кўргазмаси бўлиб ўтмоқда...

Асарлар кўргазмаси европалик rassомнинг ижоди билан ўзбекистонликларни яхшироқ таърифлади...

рассомнинг бош асари дейиш мумкин. Бунда «кичик» сўзи фақат гравюранинг ҳаммини белгилайди...

«Альбертина»сида энг юқори урини эгаллаган. Олимларнинг фикрича бу портрет Кайзернинг ҳаётлигида чизилган суратларнинг охиригидир...

Рассом декоратив графика асосида яратган асарлар ҳам унинг юксак маҳоратидан далолат беради...

«Альбрехт Дюрернинг гравюралари кўргазмаси ўзбекистонда биринчи марта ўтказилганлиги ва айнан бизнинг музейимизда намойиш этилаётганлигидан жуда хурсандим...

О. КАЛИНИНА. Суратлар: Альбрехт ДЮРЕР гравюраларидан намуналар.

Гастролллар

МАНЕЖДА — ХИТОЙЛИК АРТИСТЛАР

ТОШКЕНТ ширк аренаида Хитойдаги Урумчи шаҳри артистларининг гастроллари бўлиб ўтмоқда...

Дастурга классик номерлар (эквилибристика, ҳаво гимнастикачилари ва акробатларнинг чиқишлари)дан ташқари ноъанавий жанрлар ҳам киритилган...

Анъанавий жанрлардаги томошалар ҳам киши диққатини унга тортади. Бир гилдиракли велосипедда мувожазланган сўзчи олаётган эш артистка Махрай, ширк муомбазиси остида мувожазасиз қалтиш ҳаракатлар қилган дорбоз Жаҳон, Абдулла Ю-Су-Ли раҳбарлигида ёғоч хаққалар билан бетакор ва ўта мураккаб чиқишлар устаси бўлган акробатлар зўр маҳорат ва кучли иродаларини намойиш этишди...

Аммо хитойлик энг эш артистлар — ўн ёшдан Мирзиғул ва Дилраболарнинг чиқишлари томошбинларни, айниқса лол қолдириди. Улар «Фантазия» деб номланган пластик этюдлари билан инсон табиқасининг ҳеч қандай имкониятлари ва беқийс кучини намойиш этишди...

Тан олиш керакини, хитойлик ширк артистлари томошбинларнинг олқишларига осонликча эришаётганлари йўқ. Масалан, Мирзиғулнинг айтишича, у кунгита камиди саккиз соат қизгин машқ қилади. Аммо улар бундай оғир машқлардан мутлақо ноланишмайди, аксинча жон-диллари билан берилиб шугулланишади...

Хитойлик артистларнинг гастроллари «Ўзлавлаткир» томонидан уюштирилган. Томошалар давом этмоқда.

Обвек ЙҮДОН

Амир Темура таваллудининг 660 йиллиги танловига

Темурийлар даври ҳақида йирик асарлар яратган академик В. В. Бартольд «Темура ва Темурийлар даври тадқиқотчиси материалларнинг танқислигидан эмас, балки кўп қўлаб кутубхоналарга тарқалиб кетган, танқидий ёндашиш, энг аввало танқидий нашр этишни тақозо этадиган материалларнинг кўпчилигидан қийинчиликка дуч келади...

Дарҳақиқат, ўша даврда яратилган асарларнинг деярли ҳаммаси, бахтимизга, бизгача етиб келган бўлиб, улар илм аҳллари ва тадқиқотчиларимиз томонидан ҳар томонлама ўрганилиб, кенг жамоатчилик ҳукмига ҳавола қилинаптир...

алайҳиссаломнинг саҳийҳ (ишончли) хадисларини ўзида мужассам қилган машҳур асарига бағишланиб ёзган «Фатҳ ал-борий би-шарҳи Саҳийҳ ал-Бухорий» номли шарҳи улуг ватандошимизнинг муборақ асарларига бағишланган юзлаб шарҳлар ичида энг яхшиси ҳисобланади...

ринга уйланган бўлиб, у Миср султони ан-Носир Фараҳнинг онаси эди. Маана шу ҳолатларга кўра Ибн Тагриберди гарчанд бўлиб ўтган воқеаларга бевосита замонаш бўлмасча ҳам, лекин бошқа муаррихларга нисбатан бўлмаган кўп маълумотлар унга муюссар бўлган...



СОҲИБҚИРОН АРАБ МУАРРИХЛАРИ НИГОҲИДА

1963 йил Қоҳирада чоп этилган бу асарда воқеалар асосан йилма-йил берилган бўлиб, кўп ҳолларда оригинал характерга эга. Масалан, муаллиф 1394 йилда Миср султони Барқуқ Суриянинг маркази Дамашққа таширф буюриб, Тухтаминнинг Дашти Қипчоқдан келган элчилари ва Турк султони Боязиднинг элчилари билан мажлис кўриб, Амир Темурага қарши бигралишнинг курашини унинг иттифоқ тузганлигини таъкидлайди...

меҳр қўйиб, аскар умри тинимсиз сафарларда ўтди. У Фарбу Шарқнинг кўп мамлакатларини кезиб, ниҳоят Барқуқ ва ёш султон Фараҳ хизматига бўлди. Шу орада у бир неча марта Маккаи мукаррамага бориб ҳаж ибодатини адо этди. Қоҳирадаги машҳур ал-Азхар дорлуфундида мудarrisлик қилди. Узок йиллар Мисрда Моликия мазҳаби бўйича бош қозилик лавозимини эгаллаб турди. У 1401 йил Носир Фараҳ билан Дамашққа келиб, Амир Темура ҳазратлари билан мулоқатда бўлиб, сулҳ тузиш тўғрисидаги музокараларда қатнашди...

кўп қўламли илмий изоҳлар билан Валтер Фишел томонидан инглиз тилига ўзгарилиб, «Ибн Халдун ва Темура» номи билан 1952 йилда Калифорнияда чоп этилган. Маана шу рисола кейинчалик (йили кўрсатилмаган) олим Муҳаммад Тавфиқ томонидан араб тилига ҳам таржима қилиниб, Байрутдаги «Дор ул-Ҳаёт» матбаасида нашр этилди...

Тарихчи Халил ибн Шоҳрий аз-Зоҳирий (1372 йил, ал-Кулду 1468 йил, Тароб-лус) қаламига мансуб «Зубдат кашф ал-мамолик ва баён ат-туруқ ва-л масолик» — «Йул ва йўналишлар баёни орқали вилоятлар қайди-нинг қаймоғи» деб аталган икки жилди асари ўн икки катта бўлимдан иборат. Асарда Миср мамлуқлар султонатининг Амир Темура давлати билан бўлган муносабатлари ҳақида, талай ҳолларда маъмурий-идоравий тусдаги маълумотлар, ўша даврда Қоҳира ва Дамашқда фаолият кўрсатган иририк кутубхоналар, улардаги ноёб кўлэмалар ҳақида ҳам маълумотлар келтирилди...

Амир Темура ва унинг даврини бекаму кўст тўлқин тасаввур қилишимиз учун барча эзма ёлғорликлар қатори юқоридики зикр этилган араб манбалари ҳам илмий асосда чуқур ўрганилиши мақсадга мувофиқдир...

Убайдулла УВАТОВ, Абу Райҳон Беруний номи Ширкунининг катта илмий ходими, филологик фанлар номзоди.

СЎРАГАН ЭДИНГИЗ

БОЛА ТАРБИЯСИ ҲАМ — МЕҲНАТ

Болаларни судаклик ёшида парваришлаган вақт оналик стажига шу даврда ишлагани бўлсагина қўшилиши?

О. ҚАРШЕВА, Пешку тумани. 1990 йил 15 майдаги пенсия Қонунидан фарқли равишда 1994 йил 1 июлдан бошлаб пенсия тайинлаш (қайта ҳисоблаш) учун иш стажига онанинг болаларни судаклик ёшида парваришлаган вақти, унинг шу даврда ишлагани ёки ишлаганидан қатъи назар қўшилиши...

Уч Ёшга Тўлганча... Мен 1970 йилдан 1990 йилгача жамоа хўжалигида ишлаганим. Бағиланган иш кўнлари миқдори 1971, 1972 ва 1973 йилларда бажармаганман. 1971 йил 16 мартда туғилган фарзандим бор. Менинг умумий иш стажим қандай ҳисобланади?

Х. НАБИЕВА, Олтиариқ тумани. Бу аёлнинг жамоа хўжалигида 1971 йил учун белгиланган иш кўнлари миқдори сабабини бола туғилиши муносабати билан узри деб ҳисоблаб, мажбурийлиги тўлиқ 1 йил деб олиш керак. Агар у 1972-1973 йилларда белгиланган иш кўнлари миқдори узривези сабабларга кўра бажармаган бўлса, бу йиллардаги ишланган вақтингиз амалда давом этган даври ҳисобга олинади. Бундай тартибда ҳисобланган стажга яна боланинг 3 ёшга тўлганга қадар парвариш қилган даври қўшилиши...

ИМТИЁЗ БОР Сувиз чўл туманларда ишлайдиган чўпчиларга имтиёзли пенсия уларнинг яшар жойларидан қатъи назар тайинланадими? Э. ТИЛОВ, Навоий.

Ҳа, чуқки чўпчиларга имтиёзли пенсия уларнинг қийин шароитда ишлаганили учун тайинланади. Шунинг учун бундай пенсия уларнинг яшар жойларидан қатъи назар тайинланади.

ФАҚАТ БИТТАСИНИ ТАНАЛАНГ 25 йил ўқитувчилик стажига бўлган аёлнинг 45 йашини ўтказган бўлиши учун имтиёзли пенсияга чиқиши мумкинми? М. АДИЛОВА, Қўқорғон тумани.

Йўқ, у фақат 50 ёшдан имтиёзли пенсия олиш ҳуқуқига эга. Чуқки пенсияга умумий белгиланган ёшдан олдин чиқиб ҳуқуқини берадиган имтиёзларнинг устима-ўқур қўллаш мумкин эмас. Фўқор пенсия турларидан бирини танлаганидек, имтиёзлардан ҳам фақат биттасини танлаш керак.

Ўзбекистон давлат телерадиокомпанияси жамоаси Республика радиосининг «Албизит» ва радиотелерадио бозор муҳарририятининг катта муҳаррири Бердиқўли Тўраевнинг ўзини Тўраев ҲАЙИТОВНИнг вафоти муносабати билан чуқур талвиз изҳор этди.

Ташкент педиярия медицина институтига замонавий таълим кўли кафедраси жамоаси шу кафедранинг бош муҳарририятининг катта муҳаррири Бердиқўли Тўраевнинг ўзини Тўраев ҲАЙИТОВНИнг вафоти муносабати билан чуқур талвиз изҳор этди.

Ташкент давлат университетига жамоаси География факультетининг илмий ва таълимий география кафедрасининг доценти Раззоқ Қолиева умр кўздан узди.

Навоийон АББОСОВАНИнг вафоти айтилиши муносабати билан чуқур ҳамдарди билдирилди.

Енгил сўбат моллари индиб чиқарилган. Ўзбекистондаги умумий жамоаси «Хорам индиб» ҳиссадорлик жамоатининг бошқариши раиси Нурат Сафарова онаси ОЙМОНЖОН АШИМОВ вафоти айтилиши муносабати билан чуқур талвиз изҳор қилди.

ФАРАНГ ТИЛИДА

Ғазил муқимнинг султони Алишер Навоий асарларида қизиқарли чет элларда тобора орттиб бормоқда.

Албатта, унинг ғазаллари ва достонлари тарихимизга бундан бир неча асарлар илгари илк бор қўл урилган бўлса-да, аммо уларни алоҳида китоб тарзида чоп этиш, айниқса, кейинги йилларда кучайди.

Бу ишга Францияда ҳам катта эътибор берилмоқда. Сўнгги пайтларда бу ерда босмадан чиққан «Ўзбек ғазали» тўпламида буюк бобомизнинг ўнга ғазали жой олган. «Алишер Навоий. Ғазаллар ва бошқа шеърлар» тўплами эса тўлиқича унинг ижодида бағишланган. 28 та ғазал, 20 та қўтига, 10 та рубоий ва бошқа асарлардан иборат бу китобни Франциянинг «Ла Диферанс» нашриёти босмага тайёрлаган.

М. МУҚИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

СПОРТ · СПОРТ

БИЗ ВА РАҚИБЛАРИМИЗ...

ЭКИ ОСИЁ КУБОГИ БАҲАСЛАРИГА КИМ ҚАНДАЙ ТАЙЁРЛАНМОҚДА?

Жаҳон чемпионати ва Осие кубогининг саралаш учрашувлари тайёргарлик кураётган миллий терма жамоамизнинг Хитойга жўнаб кетганлиги ҳақида хабар берган эдик. Футболчиларимиз бу ерда ўтказган дастлабки ўртоқлик учрашувида Хитой олимия терма жамоасининг 3:0 ҳисобида мағлубиятга учиртди.



ма жамоа билан бир гуруҳда тўп сурайдиган Баҳрайн ва Тожикистон жамоалари ҳам тайёргарликка зўр бермоқда. Жумлаан, тожикистонликлар тайёргарликнинг дастлабки босқичини Ироқда ўтказишни режалаштиришапти. Собик СССР чемпионатидан бизга яхши таниш бўлган, эндиликда хорижда тўп сурайдиган Андрей Мананжиков, Валерий Сариев, Олег Ширинбеков, Ҳаким Фузайлов, Анатолий Во-

ловенко, Юрий Батуренко каби футболчилар Тожикистон терма жамоаси сафида майдонга чиқишга ҳоҳиш билдиришди. Баҳрайнликлар эса ҳозирга тайёргарликни ўз майдонларида маромига етказишапти.

Жаҳон чемпионатининг саралаш баҳсларини яна бир рақибимиз Яман терма жамоаси Саудия Арабистонига Осиё кубоги баҳсларида бериладиган йўланма учун кураш олиб бориши. Лекин улар фақат қирғизистонликларни бир марта ютишга муваффақ бўлиши ва сўнгги ўринни эгаллашиши. Майдон эгалари эса барча тўрт

учрашувида ғалаба қозониб, йўланма соҳиб бўлишди. Шундай қилиб БАА да ўтказилган Осиё кубоги учун финал ўйинларининг ҳозирча тўрт қатнашчиси маълум бўлди. Булар БАА (майдон эгаси), Япония (Осиё кубогининг сўнгги соҳиб), Саудия Арабистон (9-гуруҳ ғолиби), Хитой (2-гуруҳ ғолиби) терма жамоаларидир. Ўзбекистон терма жамоаси улар сафидан ўрин олиш учун 8-саралаш гуруҳида Баҳрайн ва Тожикистон терма жамоаларидан устун келиши керак. Эслатиб ўтамиз: баҳслар апрель — июнь ойларида ўтказилади.

Шўҳрат РҲЗМОНОВ.



МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: Анвар ЖҲРАБОВ.

БҮЛАТИЛАР: Парламент 33-57-34; Халқлар 33-07-48; Метрос ва кадрларлар 36-29-89; Қўшмақ хўжалиги 36-07-94; Иқтисодий 36-36-65; Мағнавият 36-35-60; Тўғи муҳарририят 33-10-28.

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 19-уй. Набатчи муҳаррир — Х. Сагатов. Набатчи — Е. Юсуфов.